



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3,546 (2020)

2022/№5

ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



№ 5, 2022
май

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгаши раиси: Ҳамидов Обиджон Ҳафизович, Бухоро давлат университети ректори</p> <p>Таҳририят кенгаши раиси: Маҳмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p>Техник муҳаррир: Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 16-уй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган</p> <p>Босишга рухсат этилди: 30.05.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Омма- вий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб ҳар ойда 1 марта ўзбек, рус ва англис тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-ме- тодик журналдан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир</p>	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	
	Ражабов Қ. Қ. Бухорода Чорикулбой ва бошқа мулкдорларнинг қатағон этилиши	7
	Амонова Ф. С. Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилишига оид ислохотлар (Бухоро амирлиги мисолида)	13
	Отахўжаев А. “Бухоро” атамаси хусусида тарихчи суғдшунос олимнинг янги мулоҳазалари	21
	Элимов Л. Ш. Евпорада ренессанснинг пайдо бўлиши ва унга Шарқнинг таъсири	25
	Райимов Ф. У. Темурийлар даврига оид меъморий обидаларнинг “Туркистон тўпламида” акс этиши	31
	Пронин Р. О. Представления о зрительных иллюзиях: история и современность	36
	Boltayev B. B. “Jasorat” muzeyi: tarix va talqin	40
	Юлдошева Б. М. Пахта монополиясининг Бухоро шаҳар атроф-мухитига таъсири (XX аср давомида)	46
	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Шарипова Л. Боқий мавзуда битилган шеърлар	52	
Toirova G. I.. So‘zlashuv uslubida tejamlilikning pragmatik xususiyatlari	57	
Amonov U.. S. Jadidchilik harakati va «Buxoroyi sharif» ro‘znomasi	62	
Мавлянова Т. Б. Специфика мусулманского и европейского Ренессансов	68	
Темирова Ф. О. Болалар латифалари – таржимашуносликда тадқиқот объекти сифатида	74	
Тўйлиева Л. А., Хикматова Д. П. Трактовка исторических личностей в произведении Захириддина Мухаммада Бабура «Бабурнаме»	78	
Hojiyeva Nigina Hayot qizi O‘zbek poetik matnlarida meva nomlaridan ramz sifatida foydalanish	86	
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ		
Jo‘rayev N. O., Jamolova Sh. Q., Xudoyberdiyev Sh. B. Fizika darslarida mobil dasturiy vositalardan foydalanish imkoniyatlari	91	
Еримбетов Б. К. Кураш спорт тури оммавийлигини ошириш муаммолари	96	
Ходжаев Б. Қ., Хожиева М. Ш. Фуқаролик маданиятининг инсон ҳаёти ва жамият тараккиётидаги ўрни	101	
Кинжаева Г. С. Талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг педагогик концептуал моҳияти	109	

**ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ИНСОН ҲАЁТИ ВА ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022>.

*Ходжаев Болта Курбонович,
педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
<https://orcid.org/000-0002-1650-361X>*

*Хожиева Матлуба Шукуровна,
Бухоро давлат университети педагогика кафедраси ўқувчиси*

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистонни қуриш шароитида фуқаролик маданияти тўғрисида сўз юритилиб, унинг инсон ҳаёти ва жамият тараққиётидаги ўрни ёритилган. Айниқса, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу хусусиятларни ўқувчи- ёшлар онгига етказишда фуқаролик маданиятининг мазмун- моҳияти таҳлил қилинган ҳамда фуқаролик маданиятининг шахс камолитидаги ижтимоий – педагогик аҳамияти кўрсатилган

Калит сўзлар: фуқаролик, маданияти, инсон, жамият, ҳаёт, тараққиёт, конституция, ҳуқуқ, қонун, тараққиёт стратегияси, позиция, фаолият мезони, Фармон, устувор, мутафаккирлар.

**МЕСТО ГРАЖДАНСКОЙ КУЛЬТУРЫ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА И
РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА**

*Ходжаев Болта Курбонович,
кандидат педагогических наук, доцент Бухарского государственного
университета*

*Ходжиева Матлуба Шукуровна,
преподаватель кафедры педагогики Бухарского государственного
университета*

Аннотация. В статье рассматривается гражданская культура в контексте строительства Нового Узбекистана и показывается ее роль в жизни человека и общества. В частности, анализируются особенности правового государства и гражданского общества в нашей стране, а также раскрывается содержание и сущность гражданской культуры в процессе построения нового общества и социально-педагогическое значение гражданской культуры в данном процессе.

Ключевые слова: гражданство, культура, человек, общество, жизнь, развитие, конституция, право, стратегия развития, позиция, масштаб действий, Указ, устойчивость, мыслители.

**THE PLACE OF CIVIC CULTURE IN HUMAN LIFE AND THE
DEVELOPMENT OF SOCIETY**

*Khojaev Bolta Kurbonovich,
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor, Bukhara State
University*

*Khodzhiyeva Matlyuba Shukurovna,
Lecturer, Department of Pedagogy, Bukhara State University*

Abstract. The article discusses civic culture in the context of the construction of New Uzbekistan and shows its role in the life of a person and society. In particular, the features of the rule of law and civil society in our country are analyzed, and the content and essence of civic culture in the process of building a new society and the

socio-pedagogical significance of civic culture in this process are revealed.

Key words: citizenship, culture, person, society, life, development, constitution, law, development strategy, position, scale of action, Decree, sustainability, thinkers.

Кириш. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизга чуқур билим, юксак маънавий - ахлоқий салоҳият ва умуминсоний маданият эгаси бўлган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалларидан бирига айланган. Зеро, онги юксак хулқ – одоби мукамал, билимли, маърифатли инсонгина ақл билан иш юритиб, бажараётган вазифасини мантиқ тарозисига кўра оладиган, мамлакатда олиб борилаётган маънавий - маърифий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларга фаол иштирок этадиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган соғлом иймон эътиқод асосида иш юритадиган бўлиб, бошланган ишларини якунига етказиш ва уларни жаҳонга танитадиган ҳамда уни янги бошқичга кўтарадиган инсонлар бўлади. Бундай ёшларни вояга етказишда илм, маърифат, маънавий салоҳият ниҳоятда зарур. Буни чуқур ҳис этган Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларини пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда” [2, 490].

Мазкур тезис миллий педагогика фанимиз назарияси ва амалиёти олдига мустақил фикрлайдиган ва фаолият юритадиган ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини чуқур англайдиган, ҳаётда ўз ўрнини топишини ва мамлакатимизнинг мутахассиси бўлиб етишини ҳамда ижтимоий – иқтисодий тараққиётга фаол иштирок этиш учун ўзининг бор имкониятларидан фойдалана оладиган шахсни тарбиялаш вазифаси кўндаланг қилиб қўйилган. Маълумки, ҳозирги тараққиёт ҳар бир ёшнинг интеллектуал даражаси қай ҳолатда билимларини эгалаганлиги уларни ўз хотираси ва ақлий заковатига қай даражада сақлай олганлиги билан эмас, балки улардан амалий фаолиятга фойдаланиб ҳаётга қай даражада татбиқ эта олиши билан ўлчанади. Шу боис ёшларни бу фаолиятга тайёрлаш кечиктириб бўлмайдиган ва долзарб педагогик муаммо ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳозирги ижтимоий – иқтисодий тараққиёт босқичида узлуксиз таълим муассасаларида таълим-тарбия ишларининг самарадорлик даражасини ошириш, айниқса, бўлажак олий маълумотли мутахассисларнинг касбий - шахсий компетентлигини ошириш, жумладан, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, ўқув жараёнини модернизациялаш, таълим ҳамда илғор хорижий тажрибаларни олий таълим тизимига олиб кириш муҳим ва ўта долзарб вазифалардан биридир. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон ёшларига байрам табригида” таъкидлаганларидек: “Бугунги кунга мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли интеллектуал салоҳиятли, юксак ватанпарвар

ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз” [2, 491].

Демак, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш учун, аввало, унинг қурувчилари ҳисобланган ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, айниқса, фуқаролик тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, талаба - ёшларни манавий - ахлоқий салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун фуқаролик тарбиясини амалга ошириш жаҳонда рўй бериб, кучайиб бораётган халқаро терроризм, диний фундаментализм ва экстремизмнинг ёшлар онги ва қалбини эгаллашга уринаётганлигининг олдини олишга қаратилган муҳим ижтимоий масала ҳисобланади. Бундай шароитда ёшларимизда фуқаролик масулияти, мажбурияти, фуқаролик бурчи ва онгини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо ҳисобланади. Дарҳақиқат, талаба- ёшларнинг фуқаролик тарбияси муаммоси, баркамол авлод тарбиясининг муҳим таркибий қисми сифатида мустақил мамлакат педагогикасида алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, мустақил Республика олий ўқув юртлири талабаларида фуқаролик онги, тафаккури, ҳис-туйғусини шакллантириш - бу ўзбек халқининг менталитети, инсоний ахлоқ ва ҳуқуқ қоидалари асосида фуқаро кадр - қийматини улуғлаш, ёшлар ўртасида тинчлик, дўстлик, биродарлик, қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол мафқурасига асосланувчи, мустақиллик дунёқарашига эга бўлган янги инсонларни вояга етказишнинг ҳам таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилиши табиий ҳол.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Илмий - назарий адабиётлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, тарбия, айниқса, баркамол авлод тарбияси масаласи турли давр ва тарихий босқичларда инсон учун ҳам, ижтимоий- иқтисодий тараққиёт учун ҳам, маънавий- маданий ҳаёт учун ҳам муҳим ижтимоий- педагогик аҳамият касб этиб, унинг унсур (компонет)лари инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида, жамиятнинг инсонпарварлик ва демократик характер касб этишида етакчи омил сифатида хизмат қилган. Шу боис Шарқ Уйғониш давр мутафаккирлари (IX-XIV асрлар) Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоийлар фуқаролик маданиятининг талқинини “Фозил инсон” “Комил шахс”, “Одил фуқаро” тўғрисидаги ғоялар орқали ифодалаганлар. Чунки, унинг мазмунида ақл - заковат, инсоф - адолат, ор - номус ва виждон, ахлоқий-ҳуқуқий бурч, масулият каби инсоний фазиллатлар мужассамлашган деб эътироф этилган.

Буюк мутафаккирлар, айнан адолатли инсонпарвар жамият учун шундай фазиллатлари шаклланган фуқароларни кўришни орзу қилганлар ва бундай инсонлар жамиятга ҳам, меҳнаткаш фуқароларга ҳам, тараққиётга ҳам катта фойда келтиради деб билганлар. Кейинги даврларда мустақил ҳамдўстлик мамлакатларининг педагог-олимлари, психологлар, файласуфлар, социологлардан, А.С.Макаренко, А.И.Буров, М.Н.Верб, М.А.Волович, В.А.Разумний, Е.В.Квятковский, Б.Т.Лихачёв, В.А.Караковский, Б.А.Крутецкий, А.В.Петровский ва бошқалар фозил, орифлик, комилликни ўзида таркиб топтириб фуқаролик маданиятини ривожлантиришни назарда тутган таълим- тарбия тизимини яратиш тўғрисида фикр юритадилар. Айниқса, В.А.Караковскийнинг “Ҳақиқий инсонни тарбиялайлик” китоби диққатга сазовордир.

Республикамизда педагог олимлар, тарбияшунослар томонидан XX-XXI асрнинг дастлабки йилларида ёш авлод тарбияси тўғрисида шундай асарлар яратилдики, уларда инсон ижтимоий- иқтисодий тараққиёт ва

маънавий- маданий ҳаётнинг иштирокчиси эмас, балки яратувчиси, ижодкори ҳамда ижтимоий ҳаётни ўзгартирувчи кишиси сифатида талқин қилинади. Шундай асарлар сирасига “Раҳбари нажот” (Абдурауф Фитрат), “Падаркуш” (Махмудхўжа Беҳбудий), “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (Абдулла Авлоний), “Миллий роман ёхуд янги саодат” (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий), “Ўқитувчининг ахлоқий шакилланиши” (Малла Очилов), “Ўқувчиларни ахлоқий маданиятини шакллантириш” (У.Маҳкамов), “Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси” (О.Мусурмонова), “Миллий тарбия” (М.Қурононов), “Инсон камолотининг маънавий асослари” (Э.Юсупов), “Маънавий-ахлоқий тарбия асослари” (Ш.Олимов) кабиларни қайд қилишимиз мумкин.

1991 йил 31 августда мамлакат ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг “Педагогика назарияси ва амалиёти”да туб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, “Тарбия назарияси” бўлимидаги, “коммунистик тарбия” деган тушунча “Баркамол авлод” тарбияси ибораси билан алмаштирилиб, “Баркамол инсон”ни вояга етказиш асосий мақсад сифатида белгиланди. Чунончи, “Баркамол инсон, - деб ёзади профессор С. Нишонова, - бу ақлан ва руҳан етук, юксак истеъдод ва салоҳиятга эга бўлган маънавий бой, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, жамиятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидойий шахс.” [7,206-213] Мана шундай фазиллатларга эга бўлган шахсни табиаллаш мустақиллик педагогикасининг асосий муаммосига айланди. Натижада, мустақиллик йилларида мана шундай инсонни тарбиялаш тўғрисида педагогик қўлланмалар нашр этилди, дарсликлар ёзилди. Жумладан, “Мактаб маънавияти ва миллий тарбия” (М.Қурононов), “Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг бадиий - эстетик тарбияси” (С.Аннамуротова), “Комил инсон тарбияси” (С.Нишонова), “Тарбия ва исломий кадрятлар” (М.Иномова), “Таълим ва ислом: ёшларни тарбиялашдаги муаммолар ва ечимлар” (Н.Ортиқов), “Олий ўқув юрти талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни комплекс ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари” (К.Зарипов), “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” (Сафо Очил), “Манавий-ахлоқий тарбия асослари” (Ж.Ҳасанбоев), “Ўқувчиларнинг эстетик тарбияси” (С.Файзулина) каби педагогик - психологик асарлар яратилди. Бу педагогик асарларда юксак инсоний фазилат соҳиби ҳамда манавий - ахлоқий салоҳият ва жисмоний етук, муайян дунёқарашга эга бўлган баркамол инсонларни шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўз ечимини топган.

Бизнинг тадқиқотимизда баркамол авлод тарбияси масаласи миллий тарбиямизнинг асосини ташкил этиб, истиқлол йилларида янги педагогик феномен сифатида кириб келган “Фуқаролик маданияти” кўринишида талқин қилинади. Чунончи, фуқаролик маданияти инсоннинг манавий етуклиги ва тарбияли эканлигини намойиш эта оладиган педагогик тушунча ҳисобланади. Чунки, “...фуқаролик маданияти фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори, ҳуқуқий демократик тузумнинг асоси сифатида кишиларнинг моддий ва маънавий бойликларни ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда уларни асраб авайлаб, келажак авлодга ва ўзи яшаётган мамлакат ҳамда жамият равақига, истиқболи учун меҳнат қиладиган шахснинг юксак намунасини англатади.”(8,7-8).

Тадқиқот метадологияси. Фуқаролик маданияти инсоний фазилатлар ва киши кадрини оширувчи қимматли сифатдир. У таълим- тарбиянинг асл меваси, ақл суянчиғи, инсоний фазиллатларнинг шаъни ва ҳикматидир. Қайд қилиб ўтганимиздек, Ўзбекистон мустақилликка эришгач демократик ҳуқуқий

давлат ва фуқаролик жамияти куришни конституциявий меёрлар асосида бош мақсад қилиб белгилади. “Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон-деб тақидлайди Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов, - бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз- ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқий ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқишга кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқий ва эркинликларини камситилишига йўл қўймайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини тақоза қилади” [4,554], бунинг учун биринчи навбатда мамлакат аҳолисининг, жумладан, ёшларнинг фуқаролик маданиятини юксак даражада кўтариш, уларнинг гамғур меҳрибон, инсонпарвар, ўз бурчи ва маъсулиятини чуқур англайдиган қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Зеро, ёшларнинг фуқаролик маданиятининг шаклланиши уларнинг ижтимоий - иқтисодий, маданий - сиёсий тараққиётга фаол иштирок этишига амалий ёрдам беради.

Фуқаролик маданияти – Ватанга, жамиятга, миллатга, тилга, урф- одатга, тарихга бўлган муносабати ва хатти-ҳаракатларида, хулқнинг меъёр ва қоидаларига риоя қилишида намоён бўлади.

Жамият манфаатини кўзлаш маъсулиятли бўлиш, бурч ва мажбуриятини англаш фуқаролик маданиятига эга бўлган кишига хос хусусият. Чунки, маъсулият, онгли фаолият, жамият, оила ва ҳаётнинг ўзига хос меъёрини белгилайди. Шу боис у жамият ва инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, киши ўз ҳаётига, қанчалик фуқаролик маданиятини эгаллашга интилса, у шунчалик ўз нуқсонларини тез англаб, тушуниб боради ва ўз шахсини ўзгартиради ва жамият ҳамда ва инсон ҳаётида қуйидаги кўринишлари намоён бўлади. Зеро, фуқаролик маданияти фаолиятнинг маҳсули сифатида моддий ва маънавий бойликларини яратишга, ўз ҳаётига, ўзи яшаётган мамлакат, жамиятнинг равнақи ва юксалишига ижобий ва мақсадли таъсир этишга қаратилган кишиларнинг онгли фаолияти сифатида иштирок этади. Демак, фуқаролик маданияти шаклланган шахс ақл-заковатли бўлади. Бу фуқаролик маданиятининг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнининг биринчи шартидир.

Маълумки, инсон ўз фаолияти давомида воқеликни ҳар доим ҳам ижобий томонга ўзгартириб моддий ва маънавий бойликлар яратавермайди. Баъзан шаҳарларни тўпга тутиб қулини қўкка совуриш, одамларни хонавайрон қилиб табиатга ўт қўйиш, фаровон ҳаётини харобага айлантириш ҳам одамзот боласининг иши ҳисобланади. Бу фуқаронинг маданиятсизлигининг белгиси ҳисобланади. Демак, фуқаронинг маданиятли бўлиши учун инсон, аввало, ахлоқий- ҳуқуқий бурч эгаси бўлмоғи даркор. Ахлоқий- ҳуқуқий бурч ва инсоний фазилатларга эга бўлиш, ҳайвоний ҳис-туйғулардан узоқлашиш, ўз шаъни, оиласи шаъни, миллати шаъни, Ватани шаъни учун фуқаролик бурчига садоқат нуқтаи – назардан, қонун - қоидалар моҳиятини англаш ва уларга риоя қилишида намоён бўлади. Бу фуқаролик маданиятининг жамият ва инсон ҳаётида намоён бўлишининг иккинчи шартидир.

Фуқаролик маданиятининг шаклланиши тафаккур, ҳаётий тажриба ва руҳий малакаларга асосланади. Кўп даврларда фуқаро, инсон ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида эътироф этилиб, фуқарога ишлаб чиқаришнинг бир қуроли деб қаралгану, унинг руҳий-маънавий олами тафаккури, яратувчанлик фазилатларига деярли эътибор қаратилмаган. Педагог-олим Б.Қ.Ходжаев таъкидлаганидек, уни биринчилардан бўлиб

пайкаган ва биринчи марта фанга киритган Австроялик рухшунос Зигмунд Фрейд инсонни “одам, шахс, рухият - фуқаро” тизимида ўрганиб, рухиятининг фуқаро ижодкорлигига, яратувчилигига ва ҳақиқий шахс бўлиб шакилланишига таъсирини илмий асослаб берди. Фрейднинг фикрича инсоннинг рухияти онг, онг ости ва онгсизлик каби қатламлардан иборат бўлиб инсоннинг ижодини, яратувчанлигини, рухий энергиясини рўёбга чиқариб ижобий тус олиши, унинг тараққиётга хизмат қилишини таъминлайди ва шунинг учун ҳам у фуқаролик маданияти, шахс маданияти, миллат маданияти, жамият маданияти билан ҳамоҳангдир. Бу фуқаролик маданиятининг инсон ва тараққиётдаги намоён бўлишининг учинчи шартидир.

Фуқаролик маданияти маънавий маданият билан узвий боғлиқдир. Маънавияти бутун фуқаро, халқ, Ватан олдидаги бурчини аниқ англайди. Нотўғри тасаввурларга йўл қўймайди, ўзгаларга ғамхўр, қайғудош бўлади, ҳеч қачон жамоат жойларида тартиббузарликка йўл қўймайди, жамият қонунларини бузмайди. Зеро, мустақилликни мустаҳкамлаш, уни юксалтириш ва жамият тараққиётида моддий ва маънавий бойликларни яратиш масъулияти устунлик қилади. Сўз билан иш бирлиги таъминланмаган шароитда фуқароларнинг маънавий ва фуқаролик маданияти бирлиги таъминланмайди.

Демак, бунда фуқаролик маданияти инсоний бурч, ахлоқий- ҳуқуқий масъулиятни аниқ англашидан четда қолган. Бу фуқаролик маданиятининг жамият ва инсон ҳаётида тутган ўрнининг тўртинчи шартидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгач маънавий кадриятлар, миллий маданият ва урф - одатларни тиклашга алоҳида эътиборни қаратди ва бунинг учун қатор қонун ҳамда қарорлар қабул қилиб амалга ошириш йўлга қўйди. Бунинг албатта, ижтимоий- маданий сабаблари бор, чунончи:

1. Бирор бир мамлакат жамият манавий- маданий имкониятларни ривожлантирмай туриб, халқига, ватанига садоқатли бўлган баркамол авлодни вояга етказа олмайди.

2. Маданияти, манавияти юксак бўлмаган фуқаро халқ, юрт, ҳеч қачон иқтисодий – ижтимоий жиҳатдан ривожлана олмаган ва тез орада таназзулга учраган. Шундай бўлган ва шундай бўлиб қолади.

3. Фуқаролик маданияти шаклланмаган инсон бурч, масъулият, Ватан туйғуси, Ватан қувончи, Ватан севинчи, ифтихор туйғуларидан йироқ бўлиб, ҳар қандай қабиҳликларни содир қилишга мойил бўлади.

4. Шунинг учун ҳам бугунги ёшларимизда фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларда инсоний бурч масъулият, ахлоқ, ҳуқуқий билимдонликни ривожлантириш баркамол авлод тарбиясининг устувор вазифаларидан бири бўлган ва шундай бўлиб қолади. Зеро, фуқаролик маданияти юксак бўлган инсон:

- ўз юрти, халқи, она тупроғини севади ва унга садоқат билан хизмат қилади;

- жамиятдаги моддий ва маънавий бойликларни кўз қорачиғидай асраб-авайлайди ва уларни кўпайтиришга ҳаракат қилади;

- ўтмиш аждодларимиз таълимотини, урф-одатларини ўрганади кадрлайди ва уларга роия қилади;

- муқаддас китоблар, қонунлар ва қарорларга бурч, масъулият билан амал қилади;

- ўзини, оиласини, қариндош уруғларини, сафдошларини, халқини кадрлайди ва уларга ҳурмат-иззатда бўлади. Бу хусусиятлар 8 декабр, 1992 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”нинг иккинчи бўлим, 5-11 боблари 18-52 моддаларида ўз ифодасини топиб, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари масъулият ва мажбуриятлари

тарзида баён этиган [1,12-18].

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида ёшлар фуқаролик маданиятининг мазмунида халқимизнинг ахлоқий-ҳуқуқий бурч тўғрисидаги тасаввурлари, миллий руҳияти, юксак инсоний фазилатлари, маънавияти, озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт учун курашиши холис мақсад-муддаолари, орзу-истаклари ўз ифодасини топган.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, фуқаролик маданияти жамият ва инсон ҳаётида, айниқса, талаба-ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Шахс фуқаролик маданиятининг пастлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларига салбий таъсир кўрсатишини ҳаёт кўрсатиб турибди. Масалан, баъзи ёшларнинг иқтисодий танглик туфайли эмас, балки маънавий қашшоқлиги, маданиятсизлиги сабабли турли вайронкор оқимларга қўшилиш ҳолатларини содир этилаётганлиги сир эмас. Зеро, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга эканлиги алоҳида таъкидланган.

Маъсулият ва бурчни ҳис қилиш, муомала, ҳатти-ҳаракатлар ҳам фуқаролик маданиятининг бир шarti бўлиб, у инсоннинг иқтисодий ва маънавий маданиятга у ёки бу даражада албатта, ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, маданиятли ва етук бўлиши мумкин эмас. Чунки, ҳар бир инсон муайян вазиятларда ўзини бошқара олиши, қабул қилинган тартиб интизом ва ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга қоидаларига мувофиқ иш тутиши, ёки шунингдек, меҳнаткашлар, шу жумладан ёшлар дунёқарашни, фуқаролик маданиятининг янги-янги мезонлари ва меъёрларини вужудга келтириши мумкин бўлади. Бу янги тартиб ва меъёрларнинг инсонлар томонидан ўзлаштирилиши учун вақт зарур бўлади. Бугунги давр ҳам мураккаб, ҳам тўзонли бўлиб, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун инсонларда, айниқса, ёшларда фуқаролик маданиятининг шаклланиши силлиқ ва осон кечади деб бўлмайди. Бунинг учун билим, тарбиявий тасвирлар ва тадбирларни муайян тизимини яратиш керак бўлади, аммо, таъкидлаш жоизки, фуқаролик маданияти ва онгли ижодий мафқурани шакллантириш бу куннинг кечиктириб бўлмайдиган масаласидир.

Фуқаролик маданиятининг инсон ҳаёти ва жамият тараққиёти учун муҳимлигининг яна бир томони, унинг барча маданият соҳалари учун етакчи эканлигидир. Илғор илмий педагогик таълимотнинг таъкидланишича фуқаролик маданияти ахлоқий-ҳуқуқий бурчга муносабатини англаувчи омил сифатида ақлий тафаккур, ҳаётий тажриба ва руҳий малакаларни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида эътироф этилади. Буни биринчилардан бўлиб, ислом фалсафасида комил инсон нуктаи-назаридан Азиз Насафий асослаб, комил инсон учун яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маданият муфассал бўлиб булар инсоннинг бунёдкорлиги, яратувчанлиги, ижодий фаолиятига ва ҳақиқий шахс бўлиб шаклланишига таъсир кўрсатади деб таъкидлайди. Шунинг учун буюк мутаффакирлар Ибн Сино, Фаробий, Алишер Навоий ҳам комил инсон тўғрисида фикр юритиб, инсоннинг руҳияти унинг маданияти билан боғлиқ ҳолда фуқаронинг инсонийлигини англади, деб тушунтирадилар ва фуқаролик маданиятини инсоннинг ижодкорлиги, яратувчанлигини, маданий - маърифий энергиясини рўёбга чиқаришнинг муҳим омили сифатида эътироф этадилар.

Хулоса. Шундай қилиб, фуқаролик маданияти шахс шаклланиши учун ҳам, ижтимоий - иқтисодий тараққиёт учун ҳам зарур. Зеро, у шахс яшаётган мамлакат, жамият ва миллат равнақи ҳамда истиқболини белгиловчи ижтимоий-педагогик ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсон камолоти ва жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик маданиятининг шаклланиши давр характери, ижтимоий- иқтисодий тараққиёт шарт- шароитлари ва шахс фаоллиги

билан боғлиқ. Биринчидан, ҳар бир мамлакат ўз ижтимоий иқтисодий, сиёсий, манавий ва марифий эҳтиёжларига мос ҳолда меҳнаткашлар дунёқарашини, шу жумладан, фуқаролик маданиятининг янги-янги тартиблари, меёрларини ишлаб чиқади. Бу тараққиётнинг муҳим қонуниятидир. Бу янги тартиб, қоида ва меёрлар инсон томонидан ўзлаштирилиши учун вақт, имконият зарур бўлади. Бизнинг давримиз ҳам мураккаб, ҳам тўзонли бўлиб, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун инсонларда, айниқса, ёшларда фуқаролик маданиятини шаклланиши силлиқ ва осон кечмайди. Бунинг учун вақт, муҳим дастурлар ва тарбия тизими масъулиятини ошириш керак бўлади. Аммо, таъкидлаш жоизки бу шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган масаласидир.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т., "Ўзбекистон" 1998.-48 б
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Тошкент, "Ўзбекистон", 2018 й. -508 б
3. Мирзиёев Ш.М. Милий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давм этириб, янги босқичга кўтарамиз.-Тошкент; Ўзбекистон 2017. -592б
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: "Ўзбекистон", 1998. 686 б.
5. Буюк сиймолар ва алломалар:(Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар) Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. К.1.-1:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.1995, -104 б
6. Буюк сиймолар ва алломалар:(Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар) Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. К.2.-1:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.1995, -104 б
7. Нишонова Санобар. Комил инсон тарбияси:Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари учун.-Т: "Истиқлол" 203-224 б
8. Хўжаев Б. Жамиятни демократиялаштириш шароитида ўқувчи-ёшларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш // Педагогик маҳорат.-Бухоро, 2017, №3, 7-13 б.
9. Хўжаев Б. Фуқаролик жамияти ва шахс фуқаролик маданияти// Педагогик маҳорат.-Бухоро, 2008, № 8-7-10 б
10. Ходжаев Б.К., Эргашева Ш. Формирование чувства гражданственности и патриотизма как педагогическая проблема //Россия-Ўзбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 126-127.
11. Ходжаев Б. К., Шарипова С. Х. Гражданская культура как важный компонент воспитания гармонично развитого поколения //ББК. – 2019. – Т. 74. – С. 248.
12. Amonov M.N. The problems of designing professional skills and independent training of future teachers in Uzbekistan //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
13. Ходжиева М. Ш. Совершенствование аксиологического подхода к педагогической деятельности у будущих учителей //Научный журнал. – 2020. – №. 9 (54). – С. 43-45.